



Ishonch

Шоҳият
**Бизнинг мақса-
 димиз — дунё-
 нинг барча халқ-
 лари билан тенг
 бўлиб, уларнинг
 бахт-саодатидан
 қувониб, улар
 билан дўст
 ва ҳамкор
 бўлиб яшаш.**
 Ислоҳ КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг таклифига биноан Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 27 сентябр куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги асрлар давомида мустақамлашиб келган яқин дўстлик ва биродарлик алоқалари, маданият, тил, дин ва анъаналарнинг муштараклиги мамлакатларимизнинг кенг ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги муносабатлар истиқлол йилларида янги, сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтарилди.

Тошкент ва Бокуда ўзаро ишонч, дўстлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган муносабатлар юксак қадрланади. Давлат раҳбарлари ўртасида мунтазам учрашувлар ўтказиб турилади.

Кўксарой қароргоҳида 27 сентябр куни Озарбойжон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали муҳом шаарафига фахрий қорув саф тортиди. Ислоҳ Каримов ва Илҳом Алиев шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг давлат маҳиялари янгради ва Президентлар фахрий қорув сафидан олдинда ўтидилар.

Икки мамлакат раҳбарларининг якма-якка суҳбатига Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, шунингдек, томонларни қизиқтирган қўллаб-қувватлаш масалаларни муҳокама қилдилар.

Сизинг Ўзбекистонга ташрифингизни муҳим воқеа, изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларининг мантаний давоми деб биламиз. Менинча, Сиз билан учрашувларимиз, фикр алмашувларимиз, давлатларимиз учун манфаатли бўлган долзарб, айтиш мумкинки, ўта муҳим ва ўткир масалаларни муҳокама қилишимиз катта аҳамиятга эга. Хали Озарбойжон ва Ўзбекистон манфаатлари учун гоят муҳим бўлган ва хозирча фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Шубҳасиз, биз минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кенг қўламли масалалар юзасидан фикр алмашиш учун имкон топамиз, — деди Ислоҳ Каримов.

Ўз навбатида, Озарбойжон Президентини Илҳом Алиев давлатимиз раҳбарига Ўзбекистонга таклиф этгани учун самимий миннатдорлик билдириб, Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда тўла ўзаро англашув қарор топганини қайд этди.

— Ўзбекистон эришган ютуқлар бизни ҳам жуда қувонтиришни яна бир бор таъкидламоқчиман. Истиқлол йилларида Ўзбекистон минтақанинг қудратли ва етакчи давлатига айланди. Сизнинг раҳнамолигингизда, принципиал ва оқилона сиёсатингиз туфайли Ўзбекистон улкан марраларга эришди. Бунинг бугун кўрсаткичи, тан олмаслик мумкин эмас. Ҳатто ўзгаларнинг йўриги билан иш тутадиган кузатувчилар ҳам бунинг эътирофи эшига ва ҳисоблашишга муҳим бўлмоқда. Биз Ўзбекистоннинг мустақил, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан юртайётган қатъий сиёсатини юксак қадрлаймиз. Барчамизга аёни, дунёда ҳар доим ҳам бундай ёндашувга гувоҳ бўлавермаймиз. Биз барча соҳаларда ўзаро муносабатларимизни қатъий билан ривожлантириш тарафдоримиз, — деди Илҳом Алиев.

Шундан сўнг Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги иштирокида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистон Республикаси ва Озарбойжон Республикаси иқтисодий юксак суръатлар билан ривожлантираётган санокли мамлакатлар қаторидан жой олди. Бу эса икки мамлакат танлаган ривожланиш моделларининг ҳаётийлиги ва юксак самардорлигидан ёрқин далиллардир.

Кўксарой қароргоҳидаги музокараларда томонлар ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун катта салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди. Озарбойжон Президентининг юртимизга ташрифи арафасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Озарбойжон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди ва унда ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш истиқболлари белгилаб олинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Озарбойжонга транспорт воситалари, рангли металл, электрик ва механик ускуналар, турли оптик жиҳозлар, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етказиб беради, транспорт, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатади. Озарбойжоннинг Ўзбекистонга экспорт асосан механик ускуналар, дори-дармон, пластмасса, шакар ва қандолат маҳсулотлари, турли органга қимбўй бирикмалар, кўнчилик ва бўёқчилик экстрактларидан иборат.

Мамлакатларимиз фуқаро авиацияси соҳасида самолёт эътиёт қисмлари етказиб бериш, ҳаво кемаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, учувчилар ва техник-муҳандис ходимларни ўқитиш каби йўналишлар бўйича фаол ҳамкорлик қилмоқда.

«Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг сармоявий салоҳияти ҳам икки мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш учун яхши имкониятлар яратди. Бу ерда биргаликда янги ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этиш, қитъалараро авиаташув соҳасида ҳамкорлик қилиш истиқболда Ўзбекистон учун ҳам, Озарбойжон учун ҳам бирдек манфаатли бўлади.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислоҳ Каримов ва Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Озарбойжон Республикаси Президентининг Қўшма декларациясини имзолادилар. Шунингдек, 2011-2015 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, телерадиокомпаниялар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Бадий академияси билан Озарбойжон Миллий фанлар академиясининг Меморорлик ва санъат институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳамда икки томонлама ҳамкорлик янада ривожланиб бораётганидан далолат берувчи бошқа қатор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислоҳ Каримов ва Илҳом Алиев музокаралар ўзаро ишонч ва дўстлик руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Мамлакатимиз раҳбари музокараларда яқин вақт ичида Тошкент ва Бокуда Озарбойжон ва Ўзбекистон ютуқларининг миллий кўргазмаларини ташкил этиш ҳусусида келишиб олинганини маълум қилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Ислоҳ Каримов ва Илҳом Алиев Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Озарбойжон раҳбари ҳурриятимиз, азгуниятларимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва азгулик монументи пойига гул қўйди. Илҳом Алиев Ўзбекистон Президентини раҳнамолигида Мустақиллик майдонида амалга оширилган кенг қўламли, улкан бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

Президент Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолияти билан танишди. Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг олий қонун чиқарувчи органлари — Олий Мажлис ва Миллий Мажлис ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Озарбойжон Республикаси Миллий Мажлисида «Озарбойжон-Ўзбекистон» йирик парламентлараро ишчи гуруҳи тузилган. Парламентлар аъзолари икки мамлакатда бўладиган умумхалқ сайловларида, референдумларда мунтазам қатнашиб қолади.

Ислоҳ Каримов ва Илҳом Алиев 2009 йили Тошкентда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройига ташриф буюрдилар. Сарой йирик халқаро конференциялар, маданий-маърифий тадбирлар, концертлар ўтказиш борасида жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу муаззам бино атрофидаги ландшафт дизайни унга алоҳида кўр бахш этиб турибди. Озарбойжон Президентини саройнинг миллий меъморий анъаналари ва замонавий архитектура усулларини ўзига мўжассам этган меъморий ечими ва дизайнга юксак баҳо берди. Илҳом Алиев ўшбу муқашам сарой Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан юксак салоҳиятга эга давлат эканидан яна бир далолат бўлишини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Озарбойжон раҳбарлари Ҳазрати Имом мажмуини зиёрат қилдилар. Бу ерда Илҳом Алиев муқаддас Қуръоннинг энг нодир кўлэмаси — Усмон Мусхафини кўздан кеңирди ва мажмуанинг Фахрий муҳомлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий соҳасидаги алоқалар ҳам фаол ривожланимоқда. Илҳом Алиев Озарбойжон халқининг миллий лидери Ҳайдар Алиев номи билан аталувчи Тошкентдаги Озарбойжон Маданият марказининг янги биноси очилишида иштирок этди. Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг маданият ва санъат намоёндалари, спортчилари мамлакатларимизда ўтказиладиган турли фестивалларда, халқаро спорт мусобақаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Янги очилган марказ икки биродар халқнинг дўстона муносабатларини янада мустақамлашга, маданий алоқаларни изчил ривожлантиришга хизмат қилади.

Анвар БОБОЕВ,
 ЎЗА мухбири

«Юксак маънавият — енгилмас куч»



YÜKSƏK MƏNAVİYYAT - YENİLMƏZ GÜC

Маълумки, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби мамлакатимиз ва дунё жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш ва эътибор билан қутиб олинди.

Ушбу китоб дунёнинг бир неча тилларига таржима қилиниб, нашр этилди. Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Кувейт, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн каби мамлакатларда китобнинг такдимот маросимлари ўтказилди.

Яқинда эса «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби Озарбойжон Республикаси пойтахти Боку шаҳрида озарбойжон тилида чоп этилди. Китобга таниқли дин ва жамоат ароби, Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхул-ислом Аллоҳшукр Пошшоода сўзбоши ёзган. Қуйида ушбу сўзбоши эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Бисмиллоҳир-рахмонир Раҳим!
 Инсоният цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи ҳар бир миллат нафақат ўз бойликлари, балки, биринчи навбатда, юксак маънавияти ва маданияти билан қувватли, деган оддий ҳақиқатни қайта-қайта исботлаб келмоқда. Бу борада кўна ўзбек диёри жаҳон маданияти, илм-фани ва маънавияти хазинасини бойитишга беқиёс ҳисса қўшиб келётган қутлуғ заминдир, десам, ўйлайманки, муболага бўлмайди. Бу юрда Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий, Хоразмий, Аҳмад Фароний, Баҳоддин Нахшбанд, Бөруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк алломалар ва мутафаккирлар туғилиб, дунё тамаддуни тарихида ўчмас из қолдиргани бунинг ёрқин исботидир. Бу буюк зотларнинг асарлари ҳозирги кунгача ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмасдан, улкан илмий ҳамда маънавий бойлик сифатида юксак қадрланиб келмоқда. Бошқача айтганда, бу бебаҳо мерос дунёдаги манаман деган ақл-заковат соҳиблари эътироф этакидан ва бутун мусулмон уммати фахрланидиган бойликдир.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (АЙСЕКО) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислоҳ маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши, ҳеч шубҳасиз, ўзбек халқи ва унинг буюк аждодларининг жаҳон цивилизацияси ҳамда маданияти ривожига нечоғли катта ҳисса қўшганининг ёрқин эътирофи бўлди. Бунинг қарангки, 2009 йилда Боку шаҳри маънавий бирлигимиз ва ўзаро тарихий боғлиқлигимизнинг рамзи сифатида Ислоҳ маданиятининг пойтахти, деб эълон қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

«Тошкент опен — 2010»

КУДРЯВЦЕВА — «Тошкент опен — 2010» ғолиби

Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган кучли спортчилар иштирокида ўтказилган «Тошкент опен — 2010» анъанавий халқаро теннис турнири якунланди.

Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) мусобақалари тақвимидаги нуфузли турнирлардан бири бўлган мазкур анъанавий беллашув истеъдодли теннисчиларни кашф қилиши билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу анъана жорий йилда ҳам давом этди: турнир финалида россиялик теннисчилар — Алла Кудрявцева ҳамда Елена Веснина ўз фаолиятида биринчи соврин учун ўзаро куч сынашди. А.Кудрявцева рақибасидан 6:4, 6:4 ҳисобида устун келиб, «Тошкент опен — 2010» анъанавий халқаро теннис турнирининг бош соврин соҳибаси бўлди.

Турнирнинг ҳуфтликлар беллашувида россиялик Александра Панова ва беларуслик Татьяна Пучек дуэти руминиялик Александра Дулгеру ва словакиялик Магдалена Рибариковани 6:3, 6:4 ҳисобида енгди.

«Тошкент опен — 2010» халқаро теннис турнирининг тантанали ёпилишида қатнашган Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) вакиллари, мутахассислар, мураббийлар ва спортчилар бу йилги турнир ҳам юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидладилар.

— Гузъл пойтахтингиз мезбонлик қилган ушбу нуфузли мусобақа жуда юқори савияда ўтди, — деди бош соврин соҳибаси Алла Кудрявцева. — Бу мамлакатингизда спортни, жумладан, теннисни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибордан далолатдир. Турнир давомида теннисчиларни қўллаб-қувватлаб турган муҳлисларга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
 ЎЗА мухбири



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Нурли истиқбол сари

Ўтиш даври орта қолиб, юксалиш сари дадил қадам қўйилди. Ҳар жабҳада бўлганидек, республика енгил санаотида ҳам сезиларли ютуқлар яққол кўзга ташланаётир. Аини пайтда корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларга хорижий давлатларда ҳам қизиқиш кун сайин ортиб борапти.

ВОДИЙ ИПАГИ

Наманган шаҳридаги «Водий ипаги» МЧЖ 2008 йил қасодага ураган собиқ «Атлас» АЖ ва «Силк-Род» ЕАЖ негизда ташкил этилиб, республика ТИФ Миллий банки томонидан молиялаштирилди. Жамият асосан пилла хом ашёсидан ва пиллакашлик корхоналари чиқиндиларидан табиий ҳамда газна ипақ ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 33,2 тонна табиий ипақ, 34,4 тонна газна ипақ ишлаб чиқарилиб, 280 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот Япония ва Ҳиндистонга экспорт қилинди.

Мавжуд тўқимачилик дастгоҳларидан бир қисми таъмирланиб, атлас, адрас ва табиий ипақдан гилам тўқиш цехлари ишга туширилди ва 60 та иш ўрни яратилди.

Айни чоғда бу ерда 1000 дан зиёд киши меҳнат қилаётир. Улар учун барча шарт-шароит яратилган. Бепул иссиқ овқат ва транспорт ташкил этилган. Маош мунтазам равишда тўлаб беришмоқда.

«ЗАМИН ТУРКИСТОН» ЛИБОСЛАРИ

Дўконга кириб ақлимиз шошиди. Қатор осиб қўйилган эркаклар костюмлари, шимлар, чарм ва бошқа матолардан бежирим қилиб тикилган камзуллар, палтолар беихтиёр эътиборни тортиди.

— Булар шу ерда тикилганми? — Ҳа, шундай, — деди ўзини корхона ҳисобчиси Мурод Қурбонов, деб таништирган сипоги-на йигит. Сўнг бизни ичкарига бошлади. Тайёр кийимлар бўлимидаги либослар дўконда кўрганимиздан-да аъло.

Хуллас, Наманган шаҳрида 2006 йилда ташкил этилган «Замин Туркистон» МЧЖ ўтган йиллар давомида хариддориги маҳсулотлари билан тилга тушди. Бироқ мато хозирча Туркидан келтирилмоқда.

Корхона ўтган йил 720 млн. сўмлик маҳсулот сотиб, мўмайгина фойда кўрди. Бу йил кўрсаткич ундан-да яхши бўлиши кутилмоқда. Либосларнинг аксарияти Ҳамдўстлик давлатларига сотилиши назарда тутилган. Шу чоққа қадар Россия ва Қозғистонга 47 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

«Юксак маънавият — энгилмас куч»

(Давоми. Боши 1-бетда.) Шунинг маънавият билан таъкидламоқчиманки, мени Ўзбекистон билан кўп ришталар боғлаб туради. Аввало, менинг ёшлик йилларим шу муборак заминда кечди, шу ерда мен дин арбоби бўлиб камол топдим. Айнан шу мамлакатда ўрта ва олий диний маълумот олдим, бағрикенглик, инсонпарварлик, маданият, анъаналар, урф-одатлар ҳақида ғамхўрлик қилиш ва умуман, инсон учун муқаддас бўлган барча-барча тушунчалар қанчалик қадр топаётганига амалда гувоҳ бўлиб, уларнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини айнан ўзбек диёрида англаб етдим. Ўзбекистонни мен ўзимнинг иккинчи она Ватаним деб биламан, ҳақиқатан ҳам, бу юрт менга чинакам оналик меҳрини бахш этди ва бемисл ғамхўрлик кўрсатди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда кўплаб дўстлар орттирдим ва улар билан ҳозирга қадар яқин муносабатларимиз давом этмоқда.

этилди. Минтақадаги энг йирик ушбу олий ўқув юртида дунёвий ва диний билимларни пухта эгаллаган, юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Мен Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва ўзгаришларни кузатар эканман, Исро Абдуганиевич беқийёс азму шижоатга эга бўлган, узоқни ўйлаб иш тутадиган доно давлат арбоби эканига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламан. Ўзбекистон раҳбари мамлакатни эришган ютуқлар билан кифояланиб қолмасдан, ўз халқини доимо янгиликдан-янгиликка янада юксак марралар сари бошлайди. Исро Каримовнинг маънавиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳар томонлама чуқур очиб берилган «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарини, унда алоҳида урғу берилган ўта муҳим ва долзарб фикр ва соғаларни бунга ёрқин мисол сифатида келтириш мумкин. Бу китобда маънавият соҳасининг ҳамма замонларда ҳам катта аҳамиятга молик бўлган жиҳидий масалалари теран таҳлил этиб берилгани эътиборлидир. Қадим-қадимдан бизга буюк аждодларимиздан мерос бўлиб қолган боқий қадриятларга амал қилиб яшашига чоралайдиган, муқаддас китобларимизда ўзининг чуқур ифодасини топанган эзгулик, олижаноблик, камтарлик каби умуминсоний қадриятларни янада теранроқ англашга салмоқли ҳисса қўшиладиган бу асар ниҳоятда қадридлидир.

Мазкур асарнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, у бизни умумий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида янада қатъий ҳаракат қилишига даъват этади. Муаллиф жамиятни ривожлантиришда сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий омиллар билан бир қаторда юксак маънавият алоҳида устувор аҳамият касб этишини илмий ва назарий нуқтаи назардан асослаб беради. Ўзбекистон Президенти ҳозирги кунда инсоният ҳаётига хавф солаётган турли таҳдидларни бартараф этиш учун миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, маънавий юксаклик, поклик ва эзгуликка интилиш зарурлиги ҳақидаги соғаларни илгари сурди. Шунингдек, китоб муаллифи ислом динининг поклигини сақлаш, уни ҳар хил ғаразли хуруж ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, муқаддас динимизнинг асл мазмун-моҳиятини ёшларимиз онгига синдириш ҳамда ислом цивилизацияси ютуқларини кенг тарғиб қилишига даъват этади.

Бизнинг халқларимизни миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, тилимиз, маданиятимиз ва динимизнинг муштараклиги бирлаштиради. Шу боис китобнинг мазмуни, унда муаллиф томонидан илгари сурилган долзарб фикр ва қарашлар, менинг назаримда, мамлакатларимиз халқлари учун бирдек тушунарлидир. Биз ҳам, Озарбойжонда диний бағрикенглик ва барча дин вакилларининг ҳамжиҳатлигида фаолият кўрсатишини таъминлаш, цивилизациялараро мулоқотни, шунингдек, асл ислом динининг софлигини ҳимоя қилиш учун кўп ишларни амалга оширмоқдамиз. Президент Исро Каримов таъкидлаган келажак авлоди маънавий баркамол этиб тарбиялаш вазифаси, Озарбойжонда юқорида зикр этилган ҳайрли ишларни ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, биз учун ҳам ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзимнинг ниҳоятда шуни қатъий ишонч билан айтмоқчиманки, Ўзбекистон Президенти Исро Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китоби нафақат Ўзбекистон халқининг фаровонлиги, балки бутун инсониятнинг янада тарққий этиши йўлида хизмат қилади.

Шайхул-ислом Аллоҳшукр ПОШШОЗОДА, Кавказ мусулмонлари идораси раиси

Замона зайли Бошланиши Чаккимас

Урганч туманидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «Ўзбегим-Хоразм» агрофирмаси ҳақида эшитганимиз? Бўлмаса, эшитинг. «Green World» Ўзбекистон — Америка — Корея қўшма корхонаси 99,9, Дўрман қишлоғидаги «Икром чавандоз», «Зафар полвон», «Дўрман XXI» фермер хўжаликларининг ҳар бири 0,33 фоиз пайлуши билан янги корхонанинг ташкилини қўшишди.

«Асакабанк»дан 4,5 миллиард сўм миқдорда кредит олинди, шундан 2 миллиардига Италиянинг «Монзини» компаниясидан қайта ишлаш линияси харид этилди. Ўтган йилнинг октябрида фаолият бошлаган корхонада дастлаб, 50 тонна помидор қайта ишланди. Жамоа жорий йилни ўзгача руҳ, кўтаринки кайфият билан бошлади. 5,5 минг тонна помидор, шунингдек, кўплаб бошқа тур қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш кўзда тутилган. Шу мақсадда 35 киши ишга қабул қилинди. Иш икки сменада ташкил этилиб, ишчи-хизматчилар учун барча шароит яратиб берилди.

Корхона ҳисобидан кунига икки маҳал иссиқ овқат тайёрланмоқда. Ўтган даврда 300 тоннадан зиёд мева-сабзавот қайта ишланди. Тайёрланган маҳсулот «Green World» қўшма корхонаси (корхона маҳсулотни сотиш, экспорт қилишни ҳам ўз зиммасига олган) томонидан етказиб берилган 0,7 литрли банка ва 200 литрли бочкаларга қадқоқланапти. Ҳозиргача 12 минг банка томат, 5 минг банка ўрик мураббоси, шунингдек, 36,6 тонна олма қиёми, 36 тонна томат пастаси ишлаб чиқарилди.

Оллоберган РАЖАБОВ, журналист



«Made in Uzbekistan» ёрлиғи остида

— Маҳсулотимизга Европа (Польша, Венгрия, Туркия), Осиё (Эрон, Покистон, Хитой), Ҳамдўстлик давлатлари (Россия, Украина, Озарбойжон, Қозғистон)да талаб катта, — дейди корхона касаба уюшма кумитаси раиси Шухрат Курбанов. Айни пайтда корхона ўз маҳсулотини 15 дан ортиқ хорижий мамлакатга экспорт қилапти. Ўтган йиллар давомида корхонанинг иқтисодий салоҳияти ўсиб, юксалишининг ойдин йўлига ўтди. Бу ерда халқаро андозаларга жавоб берадиган сифат менежменти тизими жорий этилиб, Швейцариядаги «FEBP» халқаро жамғармаси-

нинг «Маҳсулотнинг юқори сифати ва бизнесдаги юқори кўрсаткичлар учун» ва АҚШдаги «Сифат саммити»нинг «Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатлиги учун» олтин медалига сазовор бўлди. — Маҳсулотларини хорижда ҳам харидорлар, — дея таъкидлайди Санкт-Петербург шहरдаги «Балтимор» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти бош директори А.В.Кононов мажмуа раҳбари номига йўллаган мактубида. — Ўтган икки йилда Шўртан газ кимё мажмуасидан 30 минг тоннадан зиёд полиэтилен сотиб олдик. Корхонангиз билан ҳамкорлик қилиш биз учун катта шарафдир.

Изланувчан жамоа халқ хўжалиги учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирмоқда. Хар хил диаметри полиэтилен қувурлари ва фитинглар, турли ҳажмдаги пластмасса идишлар ҳамда томчилаб сўғориш ускуналари ишлаб чиқарилмоқда. Мажмуанинг «Қаршиермоласт» цехида маҳаллилаштириш дастури доирасида сифати жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Булар томчилаб сўғориш тизимида ишлатиладиган лабиринтли шланглар, алюмин композитли қопламалардир.

Иззат ҲИҚМАТОВ



— Бир кеча-кундузда 7-7,5 тонна маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлаётимиз, — дейди «Дака-тех» корхонаси ижрочи директори Эждод Сулейманов. — Унинг 85 фоизини Туркия харид қилмоқда. Даромадга қараб буромад деганларидек, иш шариоити намунали ташкил этилган. Юз нафар ишчининг аксариятини аёллар ташкил этади. Шу боис бу ерда меҳнат шариоити, техника хавфсизлиги қондаларига жиҳидий эътибор қаратиб келинапти. Ходимлар ихчам, айни чоғда саломатлик учун фойдали газмолдан тайёрланган коржомо билан таъминланган.

Иш уч сменада ташкил этилганлиги боис корхона ошонаси мунтазам фаолият кўрсатади. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Наташа Халимованинг таъкидлашича, барча сарф-харажат корхона ҳисобидан қўлаб келинапти. Ишчи-ходим тақдирланди.

ЯНА ДАСТГОҲЛАР СЎТИБ ОЛИНАДИ «Асакатекстил» МЧЖ 2005 йилда 495000 АҚШ доллари миқдоридидаги пахта толасини қайта ишлаб, пилта ишлаб чиқарувчи бир қатор технологик линия сотиб олди ва шу тарихи маҳсулот сифатини яхшилашга эришди. Кейинги йилларда ҳам шу йўлдан бо-рилди, яна бир талай замона-

Ислохот одимлари Хорижга йўл

Самарқанд вилоятидаги ўнлаб корхона хориж бозорини маҳсулот билан тўлдиряпти. Ўзбекистон — Россия ишбилармонлари ҳамкорлигида бошқараётган «Дака-тех» корхонаси шулар сирасидан. Унинг фаолият бошлаганига эндигина бир йил тўлаётти. Ўрнатилган 5 млн. долларлик замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида сифатли маҳсулот тайёрланапти.

Иш уч сменада ташкил этилганлиги боис корхона ошонаси мунтазам фаолият кўрсатади. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Наташа Халимованинг таъкидлашича, барча сарф-харажат корхона ҳисобидан қўлаб келинапти.

— Корхонада ишлаб кам бўлмаётимиз, — дейди ип йиғирувчи цехи ишчиси Гулбахор Худойкулова. — Оғир қўл меҳнати йўқ ҳисоби. Цехларимиз озода, чангу гўрбордан холи. Баҳарилган юмуш миқдорига қараб раб-батлантириш йўлига қўйилган. «Дака-тех»нинг ип-калава, яъни ярим тайёр маҳсу-лотига талаб катта. Корхона хориждан келаятган даромад ҳисобидан фаолиятини кенгайтириш, янги турдаги маҳсу-лотлар ишлаб чиқаришга чоғланмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири


Нурли истиқбол

(Давоми. Боши 1-бетда.) ХИНДИСТОН ХАМ ХАРИДОР «ROYAL SILK» МЧЖ 2009 йилдан фаолият бошлади. Корхонада асосан пилладан табиий хом ипак ишлаб чиқарилади. Ўтган йил 11 тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг кулай ва соз. Ошхонада хушхўр таомлар тайёрланапти. Ишчилар махсус кийим-ке-чак ва сут-қатиқ билан таъминланмоқда. Муҳим, меҳнат унумдорлиги ва рағбат уйғун тушунчалар эканлиги эсдан чиқарилмаётти. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муноса-бати билан 30 нафар илғор ишчи-ходим тақдирланди.

ЭКСПОРТГА ИХТИСОСЛАШГАН Қўрғонтепа шаҳар МЧЖ шаклидаги «Samocheteks» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси асосан пахта толаси, энгил sanoat маҳсулотла-

вий технология жорий этилиб, жамият тўла модернизация қилинди. Натижа чакки эмас. Мисол учун, 2006 йилнинг олти ойи мобайнида 950 тонна калава ип ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг саккиз ойида 2966 тонна калава ип ишлаб чиқаришга эришилди. Илп якунига қадар кўрсаткич янада юқори бўлади. Жами маҳсулотнинг 92 фоизи Хитой, Туркия, Қирғизистон, Россия ҳамда Швейцарияга экспорт қилинмоқда. Шу кунларда жамият раҳбарияти Туркия ҳамда Италиядан трикотаж, гул босиш ва бўяш дастгоҳлари сотиб олиш учун шартнома имзолаш ҳаракатида. Режа амалга ошса, йилига ишлаб чиқарилаётган калава ипнинг 2500 тоннаси шу ернинг ўзиде қайта ишланапти. трикотаж ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади ва яна 200 киши иш билан таъминланади. Натижада экспорт ҳажми янада ошади.

Ишлаб чиқариш фаолият тури пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришдир. Бу ерда йилига 2200-2300 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шунинг 82-85 фоизи экспорт қилинмоқда. Жумладан, ўтган йил 477 000 АҚШ доллари миқдоридидаги маҳсулот четга жўнатишга бўлса, бу йил кўрсаткич янада юқори бўлиши кутулапти. Акционерлар маблаг ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида йилига 2000 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 2-линияни 2011 йилнинг учинчи



ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Курилиш саноати

Хоразм шифери

— Уй қураётганим, — гап бошлади ўзини Хазораспдан Қодир-берганман, дея таништирган йигит. — Яқинларим Қўшқўпирга бориб шифер ол, жуда сифатли, деб маслаҳат беришди, айтганлари тўғри экан, пишиқлиги, шароитимизга мослиги, айниқса, арзонлиги жуда қувонтирди.

Дарҳақиқат, Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги «Хоразм шифер» МЧЖнинг маҳсулотлари бугунги кунда анча харидорларга тўғри келди. Туман чеккасида чала қурилиб, қараган кўзга хунук кўриниб турган хароба иморат ушбу жамият ихтиёрига ўтгач, қаддини ростлаб, ҳашаматли ишлаб чиқариш объектига айланди. Йўлларга асфалт ётқизилди. Шу ердан ўтувчилар беихтиёр қайрилиб қарайдиган, елиб-югуриб маҳсулотларни тахлаётган махсус кийим-бошли ишчиларни қизиқиш кузатадиган бўлишди. Корхонанинг раиси аёл эканлигини билганлар эса янада ҳайратланишди.

— Фаолиятимизни Қишлоқ таррақийети ва фаровонлиги йилда бошладик, — дейди жамият раиси Саломат Иброҳимова. — Хитойнинг «Байхай хуамин» компанияси

билан ҳамкорликда шифер ишлаб чиқаришга мўлжаллаб, 178 минг АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилди. Айни пайт бу ерда 35 нафардан зиёд ишчи ишляпти. Имкониятларни чамалаб кўрсак, йил охирига қадар ишловчилар сонини 50 нафардан оширишимиз мумкин экан.

— Қисқа фурсатда ишлаб чиқариш воситаларидан қандай фойдаланишни ўрганиб олдик, — дейди уста Махсудбек Рўзимов. — Хитойлик мутахассис Яннинг бу борада хизматлари катта.

— Мақсадимиз — жамиятни рақобатбардош корхоналардан бирига айлантириш, — деди С.Иброҳимова. — Шунингдек, маҳсулотимизни четга экспорт қилишни режалаштираямиз.

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА,
Қўшқўпир тумани

Ифтихор

Хали машинам йўқ, ammo сотиб олишни орзу қиламан. Ўзимизнинг автомобилсозлар ишлаб чиқарган «Дамас», «Тико», «Нексия», «Матиз», «Ласетти», «Эпика» ва ниҳоят, «Шевролет Спарк» дунёдаги энг ажайиб автомобиллардан бўлса керак.

«Учқун»дан сотиб оламан



«Шевролет Спарк» жуда мафтункор автомобил бўлиб, ташқи ва ички дизайни гояда бетакрор. Уни яратишда хавфсизлик ва қулайликка катта эътибор қаратилган. Автомобил кузовини ясашда мустақам пўлатдан фойдаланилган ҳамда хавфсизлик ётқиқлари ўрнатилган.

— Мақур рўсумдаги автомобиллар еттинчи моделимиз бўлиб, уни яратишда жамоа-

миз самарали меҳнат қилди, — дейди «GM Uzbekistan» ёпиқ акциядорлик жамияти бошлангич касаба уюшма қўмитаси раиси Мирфозил Олимов. — Ҳамкасбаримиздан Н.Абдулҳакимов, З.Турсунов, Ж.Тўхтасинов, М.Умрзоқов, Т.Самсоқов, М.Азимов, Ж.Ашуров Жанубий Кореяга бориб, ушбу автомобил юзасидан малака ҳам ошириб қайтишди.

Айни чоғда «Шевролет Спарк»дан йилига 50 минг дона чиқарилиши кўзда тутилган бўлса-да, кейинчалик 70 минг донага етказиш мўлжалланган.

«Спарк» ўзбекчада «учқун» маъносини аниглади. Келгусида, албатта, шундан биттасини сотиб олганим бўлсин.

Азиза АҲМАДЕВА,
журналист

Таҳлил

Талаб ортимоқда

Тақлифлар қабул қилиниб, ҳужжатларни расмийлаштириш, маблағ масалалари келишиб олинди. Шу заҳоти корхона раҳбари етакчи мутахассисларни хузурига чорлаб, буюртмачилар тақлифини уларга етказди. Ҳар бир ходим зиммасига аниқ вазифар юкланди...

Бундан саккиз йил аввал тумандаги Қалайчорбоғ қишлоғида ташкил топган ушбу корхона ўтган даврда фаолиятини кенгайтириб, вилоятнинг энг илғор экспортчи ишлаб чиқариш жамоаларидан бирига айланди. За-

Эрталаб Ромитан туманидаги «Имидж-Текстил» МЧЖ раиси Бозор Норовга Қозогистоннинг Алматы шаҳрида фаолият кўрсатган «Cotton colors soil» МЧЖдан кўнғироқ қилишган бўлса, тушга яқин Озарбойжоннинг «Azinter burservis» МЧЖдан мурожаат қилишди. Ҳар иккала ҳамкорнинг мақсади — шартномада кўрсатилган маҳсулотларни муддатидан илгарироқ жўнатиш, имкони бўлса, улар миқдорини кўпайтиришга қаратилган эди.



банкдан олинган 50 миллион сўмлик кредит ўз вақтида ёпилиди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида корхона жамоаси ташлаган қадам янада дадил бўлди. Миллий банкдан 330 миллион сўмлик кредит олинди, янги технологияларни киритиш, юқори сифатли хом ашё харид қилиш, қўшимча ишчи ўринларини яратишга эътибор оширилди. Энг муҳими, хориждан буюртмачи ҳамкорлар топилди.

Масалан, амалдаги йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг 105 355 АҚШ долларига тенг қисмига Москванинг «Швейпромсервис» ва «Натуралтекс» масъулияти чекланган жамиятлари харидор бўлишти. Бундай истиқболли ҳамкорликни аниқ режалар асосида давом эттириш кўзда тутилган.

— Берилётган имтиёزلардан фойдаланиб изланишларни давом эттираямиз, — дейди «Шофиркон экваториалтекс» МЧЖ директори, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Қиёмиддин Қўлдошев. — Айни пайтда 9 турдаги болалар кийими ишлаб чиқараётимиз. Туркиядан тақлиф этган 2 нафар дизайнер-моделеримиз замонавий эркаклар кўйлаклари ва шимлари устида иш олиб бормоқда. Янги турдаги маҳсулотларимиз ҳам жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашга ишончимиз қомил.

Бухорода фаолият кўрсатётган 66 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар янги марралар сари интилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида улар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 21,9 млн. АҚШ долларига тенг миқдори экспорт қилинди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,9 марта кўпдир.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

сарри

чорагида ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Бу яна 100 та иш ўрни яратилади, деганидир.

Бозор талабидан келиб чиқиб, маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида калава ипни иккиталик қилиб эшиб берадиган ўнта дастгоҳ келтирилиб, уларни ўрнатиш жараёни давом этаётир. Янги цехнинг келгуси йил ишга туширилиши ва яна 30 кишининг ишли бўлиши назарда тутилган. Шунингдек, ишлаб чиқаришдан чиқётган чикиндиларни қайта ишлаб, улардан «Вата прима» маҳсулотини тайёрлаб, экспорт қилинади ва ўн нафар ходим доимий иш ўрнига эга бўлади.

Айни чоғда жамиятда 300 ишчи-ходим ишлаб, рўзгор тебратаётир. Уларнинг унумли меҳнатдан сўнг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит муҳайё.

КУВА МОМИҚ СОЧИКЛАРИ

«Кува текстил» МЧЖ 2007 йилнинг августинда Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий технология билан тўла жиҳозланди. Пировардида Европа

талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, хорижий давлатлардан ҳам асбоб-ускуна келтирилиб, маҳсулот сифати ҳамда турини янада оширишга ҳаракат қилинди.

Жамиятда калава ипдан ташқари ҳар хил шаклдаги момик сочик, чойшаб, уй либослари (эркак ва аёллар учун халатлар), чақалоқлар учун зарур нарсалар, кийим-кечаклар ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинапти. Бу йил 1500 тоннадан зиёд маҳсулотни четга чиқариш кўзда тутилмоқда.

Иш бошланган кезлари жамоа аҳли 340 кишидан иборат эди. Ҳозирги кунда 750 ишчи-ходим қўлни-қўлга бериб меҳнат қилаётир. Иш учме-нада ташкил этилган. Тиббиёт шохобчасида тўрт нафар ҳамшира ва малакали шифокор хизмати йўлга қўйилган бўлиб, ишчи-ходимлар ҳар йили тиббий кўриқдан бепул ўтказилаётир.

Меҳнаткашларнинг дам олиши ҳам кўнгилли уюштирилган. Жамоа аъзолари тез-



тез «Арсиф» дам олиш уйида ҳордиқ чиқаришди. 29 нафар касаба уюшма аъзоси «Шаҳанд», «Чимён», «Зомин», «Қизилтепа», «Чортоқ», «Ропқон» сыхатгоҳларида бўлиб, саломатлигини тиклаб қайтди. Меҳнат аҳлининг фарзандлари ёзги болалар оромгоҳларида соғломлаштирилди.

«ОСИЁТЕКС» ШУҲРАТИ

Марғилон шаҳридаги Шераод Якубов раҳбарлик қилаётган «Осиётекс» МЧЖ 2004 йилда 181 киши билан фаолият бошлаган эди.

Айни чоғда 420 нафар ишчи-ходим ишляпти. Корхона асосан калава ва ипни газламалар ишлаб чиқараётир. Маҳсулотнинг асосий харидори Россия, Украина, Беларус ва Польша давлатлари бўлиб, талабгорлар сони ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган



саккиз ойи мобайнида сотилган маҳсулот 3 млрд. 170 млн. 281 минг сўмни ташкил этган бўлса, шунинг 87,3 фоизи экспортга жўнатилиди. 420 нафар касаба уюшма

аъзосининг ҳақ-хуқуқ ва манфаатлари мавжуд жамоа шартномасида тўла қафолатланган бўлиб, бошлангич касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашларнинг сўянган тоғи сифатида майдонга чиқмоқда.

Келгусида жамоа аҳли трикотаж маҳсулотлар, жумладан, тайёр кийим-ке-

чақлар ҳам ишлаб чиқариб, экспорт турини янада кўпайтириш ниятида.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Пахта далаларида



Меҳнатга яраша рағбат

Андижон вилояти пахта далаларида йигим-терим

кундан кунга авжига чиқмоқда.

Кўшли кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга интилаётган теримчилар, ҳашарчилар, қўйинги, пахтазорда ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг фикри-зикри «оқ олтин»ни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган. Андижонликлар доимо янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқади. Отряд усули ҳам ана шундай ғоялардан биридир. Вилоятда учинчи йилки, отряд усули қўлланилиб, унинг афзаллиги намойён бўлмоқда.

Йигим-терим жараёнида пешадамлик қилаётган Пахтабод тумани меҳнаткашлари ярим довлдан ўтишди. Олтинқўй, Асака, Улуғнор, Жалақудук, Шахрихон, Бадиқчи, Марҳамат, Бўз туманларида ҳам терим суръати ошяпти. 314 минг тонналик давлат шартнома режасини удалаш учун астойдил ҳаракат қилаётган

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсати 2010 йил 9 сентябрдаги қарориде пахта терими иштирокчиларига қулай шарт-шароит яратиш, илгорларни мукофотлаш ва уларни сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш юзасидан аниқ чораларни белгиланганди.

Шунга мувофиқ Федерация вакиллари вилоятларда бўлиб, пахтакорлар билан учрашмоқда. Яқинда Федерация кенгашидан бир гуруҳ вакиллар Андижон вилоятининг Пахтабод туманида бўлиб, илгор теримчи ва ҳашарчиларни фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотлади.

Байрамона тус олган «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидеги иштирокчи боғида ўтган тадбирда 120 нафардан зиёд илгор теримчи ва ҳашарчи, фермер ҳўжалиги вакиллари иштирок этди. Кечки дам



андижонлик пахтакорлар уйган хирмон 110 минг тоннадан ошиб кетди. Кунлик терим аввалги кунларга нисбатан 4,5-5 фоизга кўтарилди.

Меҳнат ва маиший шарт-шароитларни яхшилаш, иш ҳақи ва моддий рағбат таъминотини тўғри ташкил этиш — йигим-терим самарадорлигининг муҳим омил.

олиш онларида катта концерт ва байрам дастурхони кўнғилларга қувонч улашди.

Тадбирда илгор теримчиларга Федерация кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

«Республика Кўчмас мулк биржаси»

Ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади!

Аукцион савдосига, Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги №343-сонли қарори, «Ўзбекэнерго» ДАК Бошқарувининг 15.06.2010 йилдаги №62-сонли қарори ва «Ўзэлектртрармоқ» УЎКнинг 19.02.2010 йилдаги №22-сонли буйруғига асосан, «Ўзэлектртрармоқ» УЎК тарихий қисмига кирувчи тиббий санитария қисми балансида бўлган, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ясси қўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 258 кв.м. бўлган омборхона биноси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 55 185 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 28 октябр кўни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридеги кўчмас мулк 2010 йил 28 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, кўчмас мулкнинг тақририй аукцион савдолари 2010 йилнинг 1 ва 4 ноябр кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотини билан тузилдиган заклат қилишга асосан объект бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини РКМБнинг ОАКБ «Ипак йўли банки» Савбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2021000300571452114. МФО: 01036. ИИН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., Қорақамчи-1 қўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

Тошкент шаҳридаги 7-урта мактаб томонидан 1994 йил 9-сентябрда таъминланган Волобуев Всеволод Владимирович номига берилган №538450 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганини сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон савдо ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси тармоқнинг Пахтачи тумани бўйича вакили Зухра Ишназаровага онаси

СОНИЯ яннинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни



Дунёдаги энг улуғ мартаба оталарники бўлса керак. Зеро, «Ота рози — Худо рози» нақли бежиз айтилмаган. Шунинг баробарида халқимизда «Устоз отангдай улуғ» деган пурмаъно ҳикмат ҳам бот-бот тақрорланади. Бу фикрларга эса изохнинг ҳожати йўқ.

Отамдай улуғларим

Тўрт-беш ёшларда эдим. Отамнинг ишдан эртароқ қайтишини, унинг «Қиссаи Рабузий»дан айтиб берадиган ҳикоятлари давомини кутиб ўтирдим. Отам келгунча онамни қистар, у билан давомида мартабала тинглаганим — «Кўнғиз бекача» ва «Айули» эртакларини қайта эшитишни истардим. Аммо эртақ тугамасдан онамни мудроқ босар, баъзан икки эртақ аралашиб кетар, шундагина тузатиш киритишдан безор бўлиб, уни ўз ҳолига қўядим. Ниҳоят, отам келар, биронта ҳикоят айтиб бермагунча «қутулмас» эди. Шундай кунларнинг бирида кечикавергани учун уни кўрқитмоқчи бўлдим. Эшикдан кириверишга — деворга қапишиб туриб, уйга кириши билан «вахх» дедим. Отам ёлғондан «чўчиб» тушди. Не ажабки, бу ўйин менга ёқиб қолди. Эртасига, индинга яна шу ишмни тақрорладим. Сўнги кун «вахх» дейишим билан юзимда шовла қайнади.

жазолаш жойи эди. Ким айб иш қилса «камаларди». Бир сафар қиз болани урганам учун мен ҳам жазоланган, кийим иланидиган жавонда ўтириб, ёлғиз қолиш нақадар ёмонлигини ҳис қилиб йиғлаганман. Шу-шу тўрт йил одобли ва аълочилар сафида бўлдим. Раҳматли муаллимнинг руҳи шод бўлсин.

Ишини тугатгач, ҳаммага омаду иқбол тилаб, теъза синфни тарк этди. Узимни жуда галати ҳис қилдим. Қарасам, кўпчилик синфдошлар бир-бирига қараб табассум қиляпти-ю кўзларида ёш. Вужудим титраб кетди. Ўқитувчимиз бошидан кечираётган ҳолатни энди тушунгандай бўлдим...

Уша йили омадим чоғиб, Ўзбекистон Миллий университети талабаси бўлдим. Университетда жуда кўп ўқитувчилар таълим берди. Улар ичида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган Қозоқбой Йўлдошев, Абдуғафур Расулов, Омонулла Мадаев, Абдулла Улуғов, Баҳодир Қаримов, Олим Тулабоев, Узоқ Жўрақулов каби устозларимни тилга олмай ўтолмайман.

Айниқса, Абдумурод Тиловов нафақат илм олиш, балки шахсий ҳаётимда ҳам ихобий таъсир кўрсатган. Устоз доимо «хар ишни бошлашдан олдин ният қилиб, ишонч билан ҳаракат қилсангиз, албатта, қўзлаган мақсадингизга етасиз», деб ўргатарди. Бунинг исботини кўп кўрдим. Масалан, хорижга чиқиш орузим амалга ошган. У тил ўрганишга таржима муҳимлигини таъкидлар экан, бизни рағбатлантирар, ўғирган кичик асарларимизни тўплаб, нашр этилишига бош-қош бўларди. Яна бир муҳим хислати: олти йил мобайнида унинг бирон марта жаҳли чиққан, бировга баланд овозда гапирганини кўрмаганман.

Мен шундай устоз ва мураббийлар қўлида таълим олганимдан фخرланаман. Ҳамиша хизматингизга шаймиз, устозлар!

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» муҳбири

Ҳамкорлик

Ўзбекистонда Германия кунлари

Ривожланган давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг кенг йўлга қўйилиши жаҳон илм-фани, маданияти ва санъати билан яқиндан танишиш имконини бермоқда.

Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Гёте институти ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида шу ойдан ташкил этилган «Ўзбекистонда Германия кунлари» лойиҳаси доирасидаги кўргазма ва уchrashувлар фикримизнинг исботидир.

сида ташкил этиладиган «Марказий Осиёдаги археологик тадқиқотлар» кўчма кўргазмасида Германия Археология институтининг Марказий Осиёдаги энг муҳим қазилма ишлари 50 та плакат ёрдамида намойиш этилади. Ушбу кенг қўламли кўргазма меҳмонлари институт томонидан Бандихон (Сурхондарё), Жарқўтон ва Қўрғонзолда ўтказилган қазилма ишлари ҳақида қизиқарли маълумотларни олиши мумкин. Мазкур қазилма ишлари Юнон-Бақтрия ҳамда Қушон давлатининг юзага келиши ҳақидаги бэй маълумотларни ўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Кўргазма Бухоро, Термиз ва Тўшкент шаҳарларида бўлиб ўтади.

Дастлаб Тўшкентда очилган «Бу ерда немис тилида сўзлашадилар» интерактив кўргазмалари билан бирга «Шарқ ва Гёте» концерт дастури билан бошланган кенг қамровли лойиҳа ҳамюртларимизни немис халқий урф-одатлари, таълим ва фани билан таништиришда давом этмоқда.

Дўстлик алоқаларининг янада кенгайишида спорт тадбирлари муҳим рол ўйнаши шубҳасиз. Шу боисдан, Германиянинг Ўзбекистондаги ҳамкор мактаблари ўқувчилари, Тўшкент ва Самарқанд университетлари немис тилини ўрганувчи талабалари ҳамда немислардан иборат жамоалар футбол бўйича ўртоқлик учрашувларини ўтказиши тадбирдан ўрин олгани бежиз эмас.

Бундан ташқари, «Иклим ва санъат» — видео-арт бўйича халқаро кўргазма ҳам санъатга ошуфта қалбларда қизиқиш уйғотиши табиий. Шунинг эътиборига олиб, Гёте институти видео-арт бўйича номдор ижодкорлар Ян Вербек ва Аки Наказаванинг маҳорат дарсларини ўтказиши кўзда тутилган. Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Арне Янсен» триоси ва «Сўғдиёна» халқ чолғулари оркестрининг ўзига хос учрашуви Тўшкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтадиган немис-ўзбек концертида намойиш этилади ва Германия ҳафталикларига ҳам байрамона яқун ясади.

«Ўзбекистонда Германия кунлари» йил охиригача давом этади.

Шерзод АБДУСАМADOV, «Ishonch» муҳбири



Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotibi), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat ALIAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63 Huquq va xalqaro hayot 256-03-90 Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43 Reklama va e'lonlar 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: mail@Ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A. Qodirova Navbatchi: Sh. Abdusamadov Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sitalida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflari fikri bahriyat nuqtai nazaridan foydalanishi mumkin.

Tijorat materiallari: Bosilgan topshiriqning vaqti - 04.05 Topshiriqchida - 05.30

Buyurtma G — 851 11449 nuxxada bosildi ISSN 2010-5002 2 3 4 5

Соғлом турмуш тарзи: ўйимизда, ўйимизда, тўйимизда

«Дом»га келин тушди...

Нуқтани назар



Кўп қаватли уйда ижарада турамиз. Яқинда кўшни хонадонга келин тушди. Тўйнинг эртаси кунни тонгда дугонам мени турткилаб уйғотди:

— Тур, янги келин кўча супургани чиқди, томоша қиламиз. Хол-жонимга қўймай дераза олдида судраб борди. Кўзимни ишқай-ишқай пастга қарайман. Эғнида ҳарир қўйлак, унинг устидан адрас камзул, дўпни кийган, кўллариغا билакузук таққан хурлиқо назокат ва ҳаё билан кўча супурди. Ундан кўз узолмай қолдим. Бир пасда кўча эшигимиз олди чирой очди. Ҳар кун унга маҳлиё бўлиб термуламиз: бизга кўпроқ келиннинг турфа хил кийимлари ёқди.

Уқишга отланарканмиз, сув сеппиб, супурилган йўлакларнинг тозаллиги, орасталиги баҳри дилимизни очди. Кўшнларнинг ҳаммаси хурсанд. Кекса онахонлар келинни бизга оғзидан бол томиб мақтайди, ундан ўрнак олишга чақиради. Аммо қувончимиз кўпга бормади: келин кўча супурмай қўйди. Кимдир уни бетеб деса, бошқиси аралаш уйига кетиб қолган деб «Фол очди». Кейин билсак, келинга ҳеч нарса бўлмаган, фақат чилласи тугаб кўча супуришни тўхтатибди.

ки юриш-туриши, хонадон аъзоларига бўлган муносабати, қилажак ишлари билан ажралиб туради. Айниқса, келин тушган хонадон ҳаммиша ораста, сув сеппилган бўлади. Бу тозаллик, озодалликни кўриб дилингиз яйрайди. Шундай оқила келинларимиз борки, қайнона-қайночасининг ҳизматини қилиб, уларнинг дуоларини олиб, маҳаллада ҳам хурматли бўлади.

Бир ҳафта, ўн кун ўтса ҳам, тўй таърифи халқнинг оғзидан тушмади. Кимдир ҳавас, кимдир ҳасад билан фикр либосларди: — Келиннинг либосини ата-йин Дубайдан келтиришибди. Қойил-эй.

— Келинбола «Лимузин»да бораман, деб оёқ тираб туриб олди.

— «Сувники сувга, ўтники ўтга», деб бекорга айтишмаган. Ҳамма нарсанинг жавоби бор, — деб афсус-надомат чекканлар ҳам бўлди.

Сиз нима дейсиз?

...Бу тўй тафсилоти етти маҳаллага эмас, бутун шаҳарга дув-дув гап бўлди. Кимсан, Абзам бойваччанинг қизи Бектемир бойваччанинг хонадонига келин бўлиб тушди.

Дабдабадан мақсад нима?



Бир ҳафта, ўн кун ўтса ҳам, тўй таърифи халқнинг оғзидан тушмади. Кимдир ҳавас, кимдир ҳасад билан фикр либосларди: — Келиннинг либосини ата-йин Дубайдан келтиришибди. Қойил-эй.

Кимлардир: — Тўқликка шўхлик бу. Ноннинг уволи уради уларни; — деди. Ҳа, тўй ҳақиқатан ҳам дабдаба билан ўтган эди. Келинни олиб келишга 30 та машина хизмат қилди, наҳорнинг ўзига 500 кило ош дамланди, кечки боздаги шаробхўрлигу мушакбозликлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Уринли бир савол туғилади: мақсад нима? Бойликни кўз-кўз қилишимиз, ном чиқаришимиз ёки шунчаки маишатбозликми?

Наҳотки, фарзандлар бахти бойлик билан ўлчанса? Ортиқча харажатнинг ўрнига фарзандлар келажаги учун зарур бўлган шарт-шароит яратиб бериш, муҳтожларга, ётиб қолган беморларга, етим-есирларга, бева-бечораларга муруват қўраштин, уларнинг ҳожатини чиқариш мумкин эди-ку! Сиз нима дейсиз?

Моҳира ТУРСУНБОЙ қизи, Жиззах вилояти

Уқишга отланарканмиз, сув сеппиб, супурилган йўлакларнинг тозаллиги, орасталиги баҳри дилимизни очди. Кўшнларнинг ҳаммаси хурсанд. Кекса онахонлар келинни бизга оғзидан бол томиб мақтайди, ундан ўрнак олишга чақиради. Аммо қувончимиз кўпга бормади: келин кўча супурмай қўйди. Кимдир уни бетеб деса, бошқиси аралаш уйига кетиб қолган деб «Фол очди». Кейин билсак, келинга ҳеч нарса бўлмаган, фақат чилласи тугаб кўча супуришни тўхтатибди.



Ҳаммаси хоҳишга боғлиқ

Ортиқча чиқимларсиз

Тўй, хусусан, никоҳ тўйи инсонгагина хос, ҳаётда бир мартагина нишонланадиган (илоҳо, шундай бўлсин) қувончли тантана. Инсон ўз тақдир, келажагини иккинчи бир одам билан боғлайдиган кунни ўзига хос тарзда ўтказишни истайди. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам тўйининг асоси бўлган меърири унутиб қўйишдан ёмони йўқ.

бирларда ичкилик дарёдай оқарди) ташкил этиларди. Маҳаллий ташкилотлар, биринчи навбатда, маҳалла оқсоқоллари аралашуви билан бундай тўполонларга, жумладан, ЗАГС идораларида дастурхон ёзишга барҳам берилди. «Оқлик олди» номли йигирмадан эллик нафаргача аёллар иштирок этадиган маросимга ҳам барҳам берилди. Бундай маросимлар вақтида қувонинг ота-онасию, амма-холасидан

эгаларининг белини майштирадиган тадбирларнинг барчасига барҳам берилди. «Маслаҳатли тўй тарқамас» деганларидек, эндиликда ҳар бир тўй маҳалла кўмиталари, оқсоқоллар кенгаши кўрсатмалари ва тавсияларидан сўнг бошланмоқда. Таъкидлаш жоизки, шахримиздаги никоҳ тадбирларининг кўпчилиги тўйхоналарда ўтказилмоқда. Тантана эгаларининг айтишича, бу маҳаллада ташкил этиладиганига нисбатан сарф-харажатлари 50 фоизгача қисқартириш имконини беради.

Насимжон ОЛИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий